Hujjan 2013 yil 25 fevral holatiga



# ИККИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 99 «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида

2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан мамлакатда халқнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, фаровонлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш вазифаларини амалга оширишга ресурслар ва имкониятларни сафарбар қилиш, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:

1. «Обод турмуш йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин, қуйидагилар уни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

а) мамлакатда барқарорлик ва хавфсизликни, фуқаролар тотувлигини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатлари муҳофазасини таъминлаш;

б) аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда, унинг ижтимоий ночор қатламларини ва кам таъминланган оилаларни давлат томонидан аниқ манзилли муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;

в) аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, касалликлар профилактикасини кенгайтириш ҳамда уларни даволашнинг илғор тиббий технологиялари ва методларини жорий этиш, пировард натижада — одамларнинг, айниқса болалар ва оналарнинг соғлиғини мустаҳкамлаш;

г) жисмоний ва маънавий соғлом, уйғун камол топган ўсиб келаётган авлодни, профессионал, замонавий даражада тайёрланган кадрларни тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, таълим савиясини янада такомиллаштириш ва сифатини юксалтириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

д) халқнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, янги уй-жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини ривож-



WWW.LEX.UZ

Hujjan 2013 yil 25 fevral holatiga



лантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик сув, электр энергияси ва иссиқлик билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

е) маҳалла институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, ёш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам беришни яхшилаш, маҳаллалар ва уй-жой мавзеларининг ташқи қиёфасини сифат жиҳатидан яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш вазифаларини ҳал этишда уларнинг роли ва аҳамиятини ошириш;

ж) оилаларни янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли ва мақомини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда аёлларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорини намоён қилиши ва уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 декабрдаги Ф–3940-сон фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссиясига «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

3. «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш.М. Мирзиёев) қуйидагиларни таъминласин:

бир ҳафта муддатда — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудларнинг ҳокимлари бошчилигида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар тузиш, уларга Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз, тўлиқ кўламда ва ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан шахсий масъулиятни юклаш;

икки ҳафта муддатда — вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, ҳудуд, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича «Обод турмуш йили» ҳудудий ҳамда тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида тасдиқланган Давлат дастурига киритилган йўналишлар ва тадбирларни тўлиқ ва ўз вақтида бажариш ишларини мувофиқлаштириш, уларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатиш;

ҳар чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастури тадбирларининг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиш.



WWW.LEX.UZ

Hujjan 2013 yil 25 fevral holatiga



4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари:

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мақсади ва вазифаларини, уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва чора-тадбирларини аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг ёритилишини;

кенг жамоатчиликнинг Давлат дастури бажарилиши тўғрисида доимий хабардор бўлишини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги аниқ ҳиссаси ёритилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2013 йил 14 февраль,
ПҚ–1920-сон



WWW.LEX.UZ

Hujjan 2013 yil 25 fevral holatiga





Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2013 йил 14 февралдаги
ПҚ–1920-сон қарорига
ИЛОВА

# «Обод турмуш йили» Давлат дастури

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Мамлакатда барқарорлик ва осойишталикни, хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатлари муҳофазасини, жамият фаровонлиги ва тараққиёти изчил ўсишини таъминлаш** | | | | | | |
| 1. | Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш. | 2013 йил I чорак | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Адлия вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (ФЖШМҚМИ) | | - | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришга, уларнинг аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатлари ва функцияларини кенгайтиришга, фуқаролар йиғинлари ҳудудларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликнинг ривожлантирилишини рағбатлантиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси. |
| 2. | Янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш. | 2013 йил I чорак | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Адлия вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти | - | - | Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларини янада такомиллаштиришга, шу жумладан сайловлар тартиботларининг ошкоралиги ва демократиялилигини таъминлашга, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини оширишга, фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | лавозимига номзодларнинг касбий сифатларига бўлган қўшимча талабларни белгилашга, шу жумладан улар томонидан ўзининг келгусидаги фаолияти дастурини сайловчилар олдида мажбурий эълон қилишига йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси. |
| 3. | «Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини киритиш. | 2013 йил II чорак | Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, ИИВ, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ДБҚ, ДСҚ, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси | - | - | Қуйидагиларга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси:<br>юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатларини қонун йўли билан тартибга солиш, шу жумладан мурожаатларни бериш, қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартибини белгилаш, мурожаатларнинг турлари ва шаклларини, шу жумладан электрон мурожаатни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ҳуқуқий аниқлаш;<br>«Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш доирасида фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлари, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатлари тартибини янада такомиллаштириш. |
| 4. | «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини киритиш. | 2013 йил II чорак | Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ЎзННТМА, ФЖШМҚМИ, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси | - | - | Жамоатчилик ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида давлат органлари фаолияти юзасидан фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назорати тизимини жорий этишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 5. | «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини киритиш. | 2013 йил II чорак | Адлия вазирлиги, ФЖШМҚМИ, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, ЎзННТМА, «Маҳалла» жамғармаси | - | - | Фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришни таъминлашга, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтиришга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлиги бўйича ижтимоий шерикликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, принципларини, шакл ва йўналишларини белгилашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси. |
| 6. | Ёшларни ишга жойлаштириш шароитларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш. | 2013 йил IV чорак | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий таълим вазирлиги, ЎМКҲТ Маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси | | | Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини битирган ёшларни ишга жойлаштириш учун қўшимча шароитлар ва имкониятлар яратишга, шу жумладан уларни синов муддатисиз ишга қабул қилиш тўғрисидаги нормаларни жорий этишга, халқаро амалиётга мувофиқ ишга жойлаштириш юзасидан хизматлар борасида нодавлат корхоналари фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси. |
| 7. | Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига, Фуқаролик процессуал кодексига болаларнинг ва фарзандликка олувчиларнинг ҳуқуқларини суд томонидан муҳофаза қилишни кучайтиришга ҳамда болаларни тарбиялаш муассасаларига жойлашти- | 2013 йил IV чорак | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Адлия вазирлиги, Олий суд, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, ИИВ, ТИВ, | - | - | Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси:<br>фарзандликка олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқини судларга бериш; |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | рилган болалар учун алиментларни ундириш тартибига йўналтирилган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш. | | Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, ИТҚҚЖ, «Меҳр нури» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» бирлашмаси, РБИММ, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | | | унга мувофиқ болаларни тарбиялаш муассасаларига жойлаштирилган боланинг ота-онасидан суд томонидан ундирилган алиментларни ушбу боланинг номига очилган банкдаги ҳисоб рақамида жамлаш ва унга балоғат ёшига етганда тўлаш тартибини жорий этиш. |
| 8. | «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини киритиш. | 2013 йил II чорак | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Экологик ҳаракат, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | - | - | Қуйидагиларга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси:<br>Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик экология назорати, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни кўпайтириш, атроф муҳит ноқулай омилларининг одамлар ва келажак авлодлар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш самарали тизимини яратиш;<br>нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, аҳолининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш. |
| | **II. Аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда, унинг ижтимоий ночор қатламларини ва кам таъминланган оилаларни давлат томонидан аниқ манзилли муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш** | | | | | |
| 9. | Аҳоли фаровонлигини ошириш ва даромадларини кўпайтириш бўйича, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш: | Йил давомида | Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | - | Бюджет, бюджетдан ташқари жамғармалар ва хўжалик юритувчи | Аҳоли фаровонлигини янада оширишга ва даромадларининг ўсишига йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш. |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсия ва нафақалар ва стипендиялар миқдорини ўртача камида 23% га кўпайтириш;<br>ижтимоий соҳа муассасаларининг молиявий таъминланганлигини янада мустаҳкамлаш ва Давлат бюджети харажатларининг камида 60% ини ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирган ҳолда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш. | | | | субъектлар маблағлари | |
| 10. | 2013 йилда 972,7 минг, шундан:<br>янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаётган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига — 57,9 минг;<br>кичик корхоналар ва микрофирмаларни яратиш ва ривожлантириш ҳисобига — 367,8 минг;<br>якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига — 117,7 минг;<br>касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш ҳисобига — 218,4 минг;<br>фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш ҳисобига — 124,1 минг;<br>ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига — 73,1 минг;<br>иқтисодий ночор ва ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобига — 13,7 минг иш ўринлари яратиш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш. | Йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари | - | Корхоналарнинг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари, тўғридан-тўғри, шу жумладан хорижий инвестициялар | 2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини, иш ўринлари ташкил этишнинг тармоқ ва манзилли ҳудудий дастурларини амалга ошириш.<br>Ишлаб чиқариш инфратузилмалари объектларини қуриш ва ишга тушириш, хизматлар соҳасини, кичик бизнесни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликни кенгайтириш ҳисобига аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 11. | Қуйидагиларнинг:<br>хом ашёни чуқур қайта ишлаган ҳолда ва тўлиқ ишлаб чиқариш цикли билан замонавий вертикал-интеграциялаган тўқимачилик комплекслари фаолиятини ташкил этиш (8 та туманда);<br>тижорат банклари кредитларини жалб этган ҳолда намунавий лойиҳалар негизида тайёр тикувчилик-трикотаж ва пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ихчам замонавий ишлаб чиқаришлар ташкил этиш (45 та туманда) ҳисобига ишчи кучи кўп бўлган 53 та туманларда 13 мингта янги, юқори технологияли иш ўринлари ташкил этиш. | 2013 йил I чорак | «Ўзбекенгилсаноат» ДАК, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ТИАИСВ, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Даврархитекткурилиш» қўмитаси | 221,8 млн АҚШ доллари | Тижорат банклари кредитлари, (155,3 млн АҚШ доллари), инвесторларнинг ўз маблағлари (66,5 млн АҚШ доллари) | Вазирлар Маҳкамасининг янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш бўйича қарори лойиҳаси.<br>Пахта толасини қайта ишлаш бўйича енгил саноат корхоналари қувватини 47 минг тоннадан ортиқ кўпайтириш. Ишчи кучи кўп туманларда аҳоли бандлигини ошириш. |
| 12. | Қуйидаги йўллар билан касб-ҳунар коллежларини 2012/2013 ўқув йилида битирган қарийб 500 минг нафар битирувчи бандлигини таъминлаш учун шароитлар яратиш:<br>касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун корхона ва ташкилотларга бириктириш;<br>битирувчиларни ишга қабул қилиш бўйича уч томонлама шартномалар тузиш (касб-ҳунар коллежлари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳамда корхоналар ўртасида);<br>битирувчиларни бўш, квоталанадиган ва янгидан яратилаётган иш ўринларига жойлаштириш;<br>вилоят марказларида, йирик шаҳар ва туманларда салоҳиятли иш берув- | <br><br><br><br>2013 йил I чорак<br><br>2013 йил II чорак<br><br>2013 йил III ва IV чораклар<br>йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари | 150,0 | Ижрочилар маблағлари | 2012/2013 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлашга доир ташкилий-амалий чора-тадбирларни тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси протоколи. Иш жойлари ярмаркаларини ўтказишнинг ҳудудий жадвалларини тасдиқлаш.<br>Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини асосан мутахассислиги ва ишлаб чиқариш амалиётини ўташ жойи бўйича, шунингдек корхоналар ва ташкилотлардаги бўш ва квоталанадиган иш ўринларига, шу жумладан бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш натижаларига кўра ишга жойлаштиришни таъминлаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | чилар иштирокида ҳар йили камида 4-5 марта бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказиш. | | | | | |
| 13. | Ишга жойлашишга муҳтож шахсларни касбга ўқитиш ва тайёрлаш тизимини қуйидаги йўллар билан янада ривожлантириш:<br>Тошкент шаҳридаги Касб таълими марказида 600 нафар ишсизларни меҳнат бозорида талаб этилаётган машинасозлик, электроника, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари тармоқлари ва соҳалари касблари бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;<br>Самарқанд шаҳрида KOICA гранти ҳисобига 240 ўринли Касб таълими маркази ташкил этиш. | Йил давомида<br>2013 — 2015 йиллар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги | 500,0<br>5,5 млн АҚШ доллари | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари<br>KOICA грант маблағлари | Вазирлар Маҳкамасининг Самарқанд шаҳрида Касб таълими маркази ташкил этиш тўғрисидаги қарори.<br>Иш билан банд бўлмаган шахсларни уларнинг келгусида ишга жойлаштириш имкониятларини кенгайтириш учун меҳнат бозорида талаб катта бўлган мутахассисликлар бўйича касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш. |
| 14. | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга тижорат банкларининг 269,6 млрд сўм миқдорида кредитлар беришини кўпайтириш, шу жумладан:<br>110,1 млрд сўм — оилавий, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига;<br>106 млрд сўм — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қорамол сотиб олиш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига;<br>53,5 млрд сўм — ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун 15 минг нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига. | Йил давомида | Марказий банк, тижорат банклари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази | 269, 620<br>шу жумладан:<br>110 120,0<br>106 000,0<br>53 500,0 | Тижорат банклари кредитлари | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредит билан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш.<br>Аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларини, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш.<br>Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларни янада кўпайтириш, оилаларнинг фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 15. | Республиканинг ҳар бир минтақасида саноатни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларда қуйидагиларни назарда тутиш:<br>минтақа корхоналари ўртасида саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, минтақавий корхоналарни хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб этишни янада кенгайтириш;<br>бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, фойдаланилмаётган бинолар ва хоналарни тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли ижарага бериш. | Йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодиёт вазирлиги, ТИАИСВ, Молия вазирлиги, тижорат банклари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | Ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда аниқлаштирилади | Ижрочилар маблағлари, тижорат банклари кредитлари, хорижий инвестициялар | Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг туманлар ва шаҳарлар бўйича саноат салоҳиятини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини, шунингдек инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тармоқ жадвалларини тасдиқлаш бўйича қарорлари.<br>Вазирлар Маҳкамасида ҳудудлар, масъул вазирликлар ва идоралар раҳбарлари иштирокида дастурларнинг амалга оширилишини ҳар ойда кўриб чиққан ҳолда уларнинг бажарилиши доимий мониторингини олиб бориш. Кўриб чиқиш якунлари бўйича дастурларни амалга ошириш давомида пайдо бўлаётган муаммоли масалаларни бартараф этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарорларини қабул қилиш. |
| 16. | Қуйидагиларни тадбиркорлик субъектларига сотиш:<br>Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматларни ташкил этиш учун нулга тенг харид қиймати бўйича инвестициявий мажбуриятлар билан 47 та давлат мулки объекти;<br>кўп қаватли уй-жойлар сифатида реконструкция қилиш ҳамда уй-жой фондининг камида 20 % ни етимлар, вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ва ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолига тақдим этган ҳолда 47 та бўш ётган кўп қаватли давлат мулки объектлари. | 2013-2015 йиллар<br>Йил давомида | Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар | 34 500,0 | Корхоналарнинг ўз маблағлари (19000,0), тижорат банклари кредитлари (15500,0) | Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.<br>Тадбиркорлик субъектларининг уларни ишлаб чиқариш бинолари билан таъминлаш йўли билан, янги иш ўринлари ташкил этган ҳолда, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятини янада кенгайтириш.<br>Кўп қаватли уй-жойлар қуришни кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини уй-жой билан таъминлаш. |
| 17. | 6,7 минг га майдонда янги боғлар, 3,5 минг га майдонда интенсив боғлар, 6,8 минг га майдонда токзорлар яратиш ҳамда 6,8 минг га майдондаги | Йил давомида | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ТИАИСВ, Қорақалпоғистон | 95 200,0 | Ўз маблағлари (47 600) ва тижорат банклари кредитлари (47 600) | Вазирлар Маҳкамасининг протокол қарори.<br>Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | мавжуд боғлар ва 3,7 минг га майдондаги токзорларни қайта тиклаш орқали боғдорчилик фаолиятига 15 минг қишлоқ аҳолисини жалб этиш. | | Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари | | | кўпайтириш, илғор технологияларни боғдорчиликка жорий этиш, қишлоқ аҳолиси бандлигини ва даромадларининг ўсишини таъминлаш. |
| 18. | Республиканинг ҳар бир қишлоқ туманида 10 минг бош парваришланадиган камида 10 та паррандачилик хўжаликлари ва 500 асалари оиласини ташкил этиш;<br>республиканинг ҳар бир минтақасида камида 30 — 40 та балиқчилик хўжаликлари ташкил этиш;<br>«Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарида ипак қурти боқиш учун камида 10 — 15 та ипакчилик комплексларини ташкил этиш йўли билан чорвачилик ва пиллачиликни янада ривожлантириш. | Йил давомида | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари | 345 900, 0, шу жумладан: 198 000,0<br>32 900,0<br>115 000,0 | Ўз маблағлари (200 000) ва тижорат банклари кредитлари (145 900) | Туманлар бўйича чорвачиликни ҳамда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналари бўйича пиллачиликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>Қўшимча 32 минг тонна парранда гўшти ва 330 млн дона тухум, 970 тонна асал, 2,4 минг тонна балиқ етиштириш.<br>Қишлоқ аҳолиси бандлигини, даромадларини ва турмуш даражасини ошириш. |
| 19. | Янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 288 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш ва истеъмол озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шу жумладан:<br>сутни қайта ишлаш бўйича — ишлаб чиқариш қуввати 48 минг тоннага тенг 113 та лойиҳа;<br>гўштни қайта ишлаш бўйича — ишлаб чиқариш қуввати 11,3 минг тонна бўлган 68 та лойиҳа;<br>мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш бўйича — ишлаб чиқариш қуввати 73,7 минг тонна бўлган 98 та лойиҳа; | Йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, тижорат банклари | 94564,0<br>32 563,0<br>22 415,0<br>34 335,0 | Ўз маблағлари (47 564,0), тижорат банклари кредитлари (47 000,0) | Вилоятлар, шаҳарлар, туманлар бўйича, лойиҳаларни амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини тасдиқлаган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг манзилли дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>Истеъмол озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, маҳсулот турларини кенгайтириш ва тайёр маҳсулот сифатини яхшилаш, янги иш ўринлари ташкил этиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича — ишлаб чиқариш қуввати 2,3 минг тонна бўлган 9 та лойиҳа. | | | 5 251,0 | | |
| 20. | Минитехнологиялар ва ихчам ускуналар харид қилишда кўмаклашиш орқали, шу жумладан янги ташкил этилаётган кичик корхоналарда мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш ҳажмларини 1,3 баравар (умумий ҳажмдаги улушни 13,7% дан 16,4% гача) кўпайтириш<br>«Навоий машинасозлик заводи», «Технолог» ОАЖ, «ПГС» ХК ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали маҳаллий минитехнологиялар ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарувчиларнинг тегирмончилик, гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш, қуруқ мевалар ва концентратлар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш соҳаларида сотиб олинган замонавий минитехнологияларнинг умумий ҳажмида 25% га етказиш. | 2013 йил давомида | ССП, ТИАИСВ, «Ўзинфоинвест» агентлиги, «Навоий машинасозлик заводи», «Технолог» ОАЖ, «ПГС» ХК, кичик ишлаб чиқариш корхоналари | Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишига кўра аниқлаштирилади | Ижрочилар ва корхоналар маблағлари | Минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича ишлаб чиқарувчиларнинг инвестиция дастурлари ва лойиҳалари.<br>Минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузган ҳолда саноат ярмаркасида, инновация ғоялари, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ҳамда бошқа биржа ва ярмаркалар савдоларида қатнашиш.<br>Ташкил этилаётган кичик корхоналарга минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олишда кўмаклашишнинг ташкилий ва молиявий чора-тадбирларини таъминлаш. |
| 21. | Қуйидагилар орқали корпоратив харидлар тизимига жалб этилган кичик бизнес субъектлари сонини 1,3 баравар кўпайтириш:<br>устав фондида давлат улуши бўлган 2086 та йирик корхоналарда корпоратив харидлар механизмини жорий этиш, харидларнинг умумий ҳажмида кичик бизнес улушини 25% га етказиш;<br>саноат ярмаркалари ва кооперация биржасида имзоланган шартномалар- | 2013 йил февраль-март<br>Йил давомида | Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ТИАСВ, ЎзРТХБ, Адлия вазирлиги | - | Ижрочилар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва тадбиркорлик субъектларининг ундан фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>Кичик бизнес субъектларини корпоратив харидлар тизимига кенг жалб этиш, уларни амалга оширишда рақобатини ривожлантириш, ошкораликни таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | га мувофиқ 850 та кичик ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотларини сотиш. | | | | | Саноат ярмаркалари ва кооперация биржасида тузилган шартномалар бўйича кичик корхоналар маҳсулотларини сотиш ҳажмларини 2012 йилга нисбатан 36% га кўпайтириш. |
| 22. | G2G (давлат ҳокимияти органларининг ўзаро бир-бири билан), G2B (давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектлари билан), G2C (давлат ҳокимияти органларининг фуқаролари билан) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзаро ҳамкорлиги йўналишлари бўйича «Электрон ҳукумат» тизимини жадал шакллантириш, бунда қуйидагиларни назарда тутиш: | | Давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, давлат органлари, ССП | 4935,0 | | «Электрон ҳукумат» тизимини жадал шакллантириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш.<br>Барча лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-тамойилларининг Порталга киритилишини таъминлаган ҳолда Интерактив давлат хизматлари порталини яратиш, Интернет тармоғи орқали лицензия ва рухсатномалар олиш учун аризаларни электрон шаклда топширишга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирларини кўриш.<br>Ахборотлар алмашиш ва интерактив шаклда давлат хизматлари кўрсатиш бўйича давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш йўли билан бизнес ва аҳоли учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш. |
| | Интернет тармоғида «ягона ойна» режимида фаолият юритувчи Интерактив давлат хизматлари ягона порталини яратиш; | 2013 йил июль | | 450,0 | Ҳомийлар маблағлари | |
| | электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатга ва ҳисобга олиш интерактив хизматини жорий этиш; | 2013 йил декабрь | Қорақалпоғистон Республикаси ВК, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар | 450,0 | Ҳомийлар маблағлари | |
| | FTTx технологияси бўйича кенг полосали оптик тармоқларни ривожлантириш ҳисобига аҳолининг интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; | 2013-2014 йиллар | «Ўзбектелеком» АК | 9,0 млн АҚШ доллари<br>3285,0 | КБР кредит маблағлари (Хитой), «Ўзбектелеком» АК нинг ўз маблағлари, | |
| | Электрон шаклда лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш бўйича интерактив хизматларни жорий этиш. | 2013 — 2016 йиллар | Давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, Адлия вазирлиги, давлат органлари | 750,0 | Ижрочилар маблағлари | |

Hujjan 2013 yil 25 fevral holatiga





| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 23. | «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ННТ минтақавий Ахборот марказлари орқали кам таъминланган оилалар, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маслаҳат, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш бўйича лойиҳани амалга ошириш. | Йил давомида | «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ННТ, «Меҳр нури», «Маҳалла» жамғармалари, ИТҚҚФ, Фонд Форум, «Келажак овози» ЁТМ, «Аёллар кенгаши» РЖБ, ЭОАВМА, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, ССП, Қорақалпоғистон Республикаси ВК, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 350,0 (ҳар бир минтақага 25,0 дан) | Ижрочилар маблағлари | Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари.<br>Кам таъминланган оилаларга ёрдамни кучайтириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий шерикчиликнинг янги шаклларини амалга ошириш орқали қатор ННТлар, ижтимоий масъулиятли ташкилотлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш. |
| **III. Аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, касалликлар профилактикасини кенгайтириш ҳамда уларни даволашнинг илғор тиббий технологиялари ва методларини жорий этиш, пировард натижада — одамларнинг, айниқса болалар ва оналарнинг соғлиғини мустаҳкамлаш** | | | | | | |
| 24. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652 қарорида белгилаб берилган соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш тадбирларини амалга ошириш мақсадида:<br>узоқ жойлардаги аҳоли пунктларида 32 та қишлоқ врачлик пунктларини, шунингдек Тошкент шаҳрида 5 та оилавий поликлиникани қуриш ва жиҳозлаш;<br>Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида 54 та туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини қуриш ва реконструкция қилиш, улар- | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 306 597,5 ва 26,0 млн АҚШ доллари<br><br>22 146,6<br><br>162 370,4 ва 15,0 млн АҚШ доллари | Тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари, бюджет маблағлари, МАР, KfW банки кредит маблағлари | Аҳоли соғлиғини сақлаш тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, аҳолига юқори сифатли, замонавий талаб ва стандартларга мувофиқ тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;<br>педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация бўйича ихтисослаштирилган республика илмий-амалий марказларини, 11 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларини, шунингдек 13 та вилоят ўсма касалликлар диспансерларини, 5 та силга қарши муассасаларни ва бошқа тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш;<br>13 та вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларини, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасини, Республика педиатрия ихтисослаштирилган илмий-амалий марказини, Республика ихтисослаштирилган кардиология марказини замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш;<br>тез тиббий ёрдам тизими учун 115 та махсус автотранспорт харид қилиш. | | | 115 783,0<br>6 297,5<br>11,0 млн АҚШ доллари | | |
| 25. | Соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий ходимларини тайёрлаш сифатини такомиллаштириш, бунинг учун:<br>юқори технологияли тиббий ускуналар билан ишловчи 500 нафар тиббиёт мутахассисларини Европа, Шимолий Америка, Жануби-Шарқий Осиё, Тинч океани минтақаси ва МДҲ мамлакатларидаги етакчи тиббиёт марказлари ва клиникаларида ўқитиш;<br>қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман тиббиёт бирлашмаларининг 5100 нафар шифо- | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон | 500,0 минг АҚШ доллари<br>80,0 минг АҚШ доллари | Халқаро молиявий институтлар грантлари ва ҳомийлик маблағлари<br>«Саломатлик-3» лойиҳаси маблағлари | Ижрочиларнинг қўшма қарорлари.<br>Тиббиёт ходимларини қайта ўқитиш, қайта тайёрлаш ва стажировкасини ўтказиш учун мутахассисларни танлаш ва юбориш.<br>Қишлоқ врачлик пунктларининг аҳолига маслаҳат-ташхис, профилактика ва даволаш йўналишидаги ёрдам кўрсатиш фаолиятини такомиллаштириш.<br>Мутахассисларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги касбий билимларини янада ошириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | кор ва 12500 нафар ўрта тиббиёт ходимини қисқа муддатли сайёр ўқув курсларида ўқитиш;<br>фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пунктлари негизида тиббиёт олий ўқув юртларининг, республика ихтисослаштирилган марказларининг ва илмий-текшириш институтларининг етакчи олим ва мутахассисларини жалб этган ҳолда 262 та моделли ҚВП ларни ташкил этиш;<br>157 та туман тиббиёт бирлашмалари ва 55 та оилавий поликлиникалар қошида умумий амалиёт врачлари тайёрлаш учун ўқув марказларини даволаш фаолиятининг 10 та йўналиши бўйича ўқув адабиётлари билан таъминлаш. | | Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | <br>369,9<br><br>212,0 минг АҚШ доллари | (МАР)<br>Ижрочилар ва ҳомийлар маблағлари<br><br>«Саломатлик-3» лойиҳаси маблағлари (МАР) | |
| 26. | Қуйидагиларга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш йўли билан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш:<br>аҳолини фортификацияланган ун ва йодланган туз билан таъминлаш;<br>қишлоқ жойларда яшовчи камида 400 минг нафар ҳомиладор аёлларни махсус поливитаминлар жамламаси, жумладан таркибида фолий кислотаси бўлган витаминлар билан бепул таъминлаш;<br>6 ойликдан 5 ёшгача бўлган 2,5 миллион нафар болаларни А витамини етишмовчилигининг олдини олишга мўлжалланган витаминлар жамламаси билан таъминлаш;<br>болаликдан ногиронликнинг олдини олиш мақсадида 180,0 минг нафар | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» АК, ош тузи ишлаб чиқарувчи корхоналар, «Дори-дармон» АК, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 2900,0<br>6500,0<br><br>91,8 минг АҚШ доллари<br><br>3 012,1 минг АҚШ доллари | «Ўздонмаҳсулот» АК, ош тузи ишлаб чиқарувчи корхоналар маблағлари<br>Бюджет маблағлари<br><br>ЮНИСЕФ гранти<br><br>Бюджет маблағлари | Микронутриентлар етишмовчилиги билан боғлиқ хасталикларнинг олдини олиш ва камайтириш, оилаларда соғлом овқатланиш маданияти ва кўникмаларини шакллантириш.<br>Ҳомиладор аёлларни, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчиларни таркибида фолий кислотаси бўлган поливитаминлар жамламаси билан таъминлаш орқали болаларда туғма ногиронликнинг олдини олиш.<br>Соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқлардаги патологияларни барвақт аниқлашга қаратилган давлат тизимини янада ривожлантириш, болалардаги ногиронликни камайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳомиладор аёлни пренатал скрининг билан қамраб олиш ва неонатал скрининг сифатини яхшилаш орқали туғма ва ирсий касалликларни аниқлаш. | | | | | |
| 27. | Аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини янада ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш:<br>минтақаларда ҳар ойда ўтказиладиган «Соғломлаштириш ҳафталиклари» доирасида 470 мингдан зиёд фертил ёшдаги аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шу жумладан, аёлларда ўсма касалликларни аниқлаш бўйича бепул ташхислашни амалга ошириш;<br>кутилмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш ва репродуктив саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш учун 1,8 млн нафардан ортиқ фертил ёшдаги аёлларни замонавий контрацепция усуллари ва воситалари билан таъминлаш;<br>ҳар бир минтақа бўйича 200 минг нафардан ортиқ кишини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, бунда бориш қийин бўлган жойлардаги ҚВП ларни қамраб олиш;<br>тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида ЖССТ нинг замонавий клиник стандартлари ва технологияларини жорий этиш йўли билан 18 минг нафар тиббиёт ходимининг малакасини ошириш; | Йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси, «Ҳаёт учун!» миллий ассоциацияси, «Дори-дармон» АК, «Маҳалла» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари, ЭОАВМА, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 100,0<br>100,0<br>1,0 млн АҚШ доллари<br>1,0 млн евро<br>600,0<br>1,6 млн евро | Бюджет ва ижрочилар, ЮНИСЕФ,<br>ЮНФПА маблағлари<br>KfW-банк (Германия) кредити ва грантлари<br>«Соғлом фонд учун» жамғармаси маблағлари<br>ЕИ, ЮНИСЕФ маблағлари | Ижрочиларнинг қўшма қарорлари.<br>Аҳоли ўртасида касалланишни камайтириш, аёллар ва болаларга кўрсатиладиган ёрдам сифатини яхшилаш.<br>Аҳолининг замонавий контрацептив воситалардан кенг фойдаланишини таъминлаш.<br>Ўсма касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш.<br>Узоқ ва бориш қийин бўлган жойларда яшовчи аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказишда тиббиёт олий ўқув юртларининг, республика ихтисослаштирилган марказларининг ва илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари ва мутахассислари иштирокини таъминлаш.<br>Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjan 2013 yil 25 fevral holatiga



| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» лойиҳасини амалга ошириш орқали аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш, бунда узоқ жойлардаги 146 минг кишини, айниқса, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва пенсионерларни қамраб олиш;<br>280 минг нафар янги оила курувчилар орасида репродуктив саломатликни яхшилаш, соғлом оила қуриш, соғлом фарзандни дунёга келтириш масалалари бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш. | | | 175,0<br>200,0 | Ижрочилар ва ҳомийлар маблағлари<br>Ижрочилар маблағлари | |
| 60. | Республика вилоятларида чакана савдо ва умумий овқатланиш тармоғини кенгайтириш, бунинг учун: | Йил давомида | Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўздаварxитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўздонмаҳсулот» АК | Ишлар қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, тендер савдолар ўтказилгандан кейин аниқланади | | Чакана савдо ва умумий овқатланиш тармоғи объектларини ташкил этиш бўйича ҳудудий манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>Чакана савдо ва умумий овқатланиш тармоғи объектларини қуришни ташкил этиш бўйича ҳудудий манзилли дастурларга мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан назорат ўрнатиш ва кўмаклашиш.<br>Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳаси ва чакана савдони ривожлантириш, якка тартибдаги уй-жой мавзеларини ободонлаштириш, янги иш ўринлари яратиш. |
| | қишлоқ мавзеларида якка тартибдаги уй-жойлар қуришда бир пайтнинг ўзида савдо мажмуалари кўринишидаги чакана савдо корхоналари ва «Гузар» кўринишидаги савдо-маиший мажмуаларини барпо этиш; | | | | | |
| | Супермаркет, Минимаркет шаклидаги замонавий турғун савдо корхоналари (объектлари)ни яратиш, жумладан, қишлоқ мавзеларида 966 та чакана савдо корхоналари ва қишлоқ жойларда ҳамда якка тартибдаги уй-жойлар қурилаётган мавзеларда 260 та умумий овқатланиш корхонаси барпо этиш; | | | 24 500,0 | Тижорат банклари кредитлари (16 017,4), ҳомийлар маблағлари, тадбиркорларнинг ўз маблағлари (16 017,4) | |
| | жойларда нон ишлаб чиқарувчи 15 та цехлар ташкил этиш, уларни замонавий «Wachtel» (Германия) технологик жиҳозлар билан таъминлаш; | | | 7 534,8 | | |
| | узоқ тоғли ҳудудлар ва чўл зоналарида, бориш қийин аҳоли пунктларида яшовчи фуқароларни чакана савдо хизмати билан таъминлаш учун ҳафтасига 2 марта қатнайдиган мобил автодўконлар фаолиятини ташкил этиш. | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, савдо корхоналари | | | |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 61. | Қорақалпоғистон Республикасида йодланган ош тузи ва натрий сульфат ишлаб чиқарувчи «Қўнғирот натрий сульфат» шўъба корхонасини қуриш. | Йил давомида | Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши | 4 186,0 | Ўз маблағлари, (2 900,0) банк кредитлари (1 286,0) | Йод танқислиги хасталикларининг олдини олиш мақсадида аҳолини йодланган туз билан таъминлаш, озиқ-овқат ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш. |
| **VI. Маҳалла институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, ёш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам беришни яхшилаш, маҳаллалар ва уй-жой мавзеларининг ташқи қиёфасини сифат жиҳатидан яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш вазифаларини ҳал этишда уларнинг роли ва аҳамиятини ошириш** | | | | | | |
| 62. | Қуйидагилар воситасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари нуфузини юқори кўтариш чораларини амалга ошириш:<br>«Маҳалла» жамғармасининг Интернет тармоғидаги веб-сайтининг инглиз тилидаги саҳифасини такомиллаштириш ва уни кейинчалик ресурс сайтига айлантириш;<br>маҳалла институтининг ривожланиш тарихи ҳақида ҳужжатли фильм ва мультимедиа диски тайёрлаб, уни хорижий эксперт таҳлил доираларига тақдим этиш ва тарқатиш;<br>маҳалланинг ўз ҳудудида истиқомат қилаётган одамлар ўртасида бирлик ва аҳилликни таъминлашдаги ролини очиб берадиган, тинчликсеварлик ва бағри кенглик ғояларини тарғиб қиладиган «Виждон» бадиий фильмини суратга олиш;<br>маҳалла институти ҳақида инглиз тилида «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» номли китобни нашр этиш; | Йил давомида | ФЖШМҚМИ, «Маҳалла» жамғармаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, ДБА, СМТИ, Халқаро Вестминстер университети, «Жаҳон» АА, МТРК, «Ўзбеккино» МА, «Uzbekistan today» АА, ЭОАВМА, Давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, «Фуқаролик жамияти» журнали | 750,0 | Ижрочилар маблағи | Ижрочиларнинг қўшма қарори.<br>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги, оила институтини мустаҳкамлашдаги, ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашдаги, аҳолини манзилли равишда ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги, жамоатчилик назорати ва ижтимоий ҳамкорликдаги роли ва нуфузини янада ошириш.<br>Жаҳон жамоатчилигини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳамда оила институтини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлардан ҳар томонлама хабардор қилиш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjan 2013 yil 25 fevral holatiga



| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | хорижий ОАВ ва илмий оммабоп нашрларда маҳалла институтининг ривожланиш тарихига оид материаллар ва туркум мақолалар чоп этиш;<br>«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг оила институтини мустаҳкамлашдаги роли» мавзусидаги халқаро илмий-амалий «давра суҳбати» материаллари тўпламини чоп этиш ва хорижий эксперт-таҳлил давраларида тарқатиш;<br>хорижда, жумладан республиканинг дипломатик ваколатхоналарида Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини шакллантириш, маҳалла ва оила институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги тажрибаси билан таништиришга бағишланган илмий-амалий «давра суҳбатлари», бошқа тадбирлар уюштириш ва ўтказиш. | 2013-2014 йиллар | | | | |
| 63. | Қуйидагиларни назарда тутган ҳолда «Замонавий Маҳалла» меъморчилик-режалаштириш намунавий схемаларини ишлаб чиқиш:<br>уйларнинг ташқи қиёфаси ва томларига, йўлакларга, ахлат йиғиш ускуналарига, ташқи ёритиш асбобларига, ирригация ва дренаж қурилмаларига эстетик ва амалий жиҳатдан ишлов бериш;<br>маҳаллалар ҳудудида жойлашган якка тартибдаги иморатлар ва кўп квартирали турар жойлар, биноларнинг пештоқлари ва томларини янгилаш; | 2013 — 2017 йиллар давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, | Харажатлар тадбир амалга оширилиши жараёнида аниқланади<br>250 000,0 | Аҳоли маблағлари | Вазирлар Маҳкамасининг:<br>«Замонавий маҳалла» меъморчилик-режалаштириш намунавий схемаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш;<br>даҳалар (маҳаллалар) ички кўчаларини мукаммал ва жорий таъмирлаш, шунингдек даҳалар (маҳаллалар) ички кўчаларининг ташқи ёритиш тизимларини тиклаш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва мукаммал таъмирлаш дастурини тасдиқлаш бўйича қарори.<br>Маҳаллаларнинг ташқи қиёфасини, даҳалар (маҳаллалар) ички кўчалари- |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | кўчаларни, йўлакларни мукаммал таъмирлаш (йўл сатҳини замонавий услубда қоплаш), тўсиқлар ва жалага қарши новлар ўрнатиш; | | Вилоят ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бошқармалари | Амалга ошириш давомида аниқлаштирилади | Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар прогнозлари ортиқча бажарилишидан тушган маблағлари ва ҳомийлар маблағлари | нинг техник ҳолатини ва уларнинг ташқи ёритиш тизимларини яхшилаш, аҳолининг дам олиши, эстетик тарбияси ва соғломлашиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш. |
| | ҳар бир туманда (шаҳарда) аввалдан мавжуд болалар майдончаларини қайта таъмирлаш, ҳар бир туманда (шаҳарда) 2 тадан 4 тагача, ҳар бир вилоят марказида ва Нукус шаҳрида 20 тагача, Тошкент шаҳри туманларида 50 тагача янгисини қуриш, уларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, зарур ҳолатларда қўшимча бинолар, мини футбол, баскетбол, волейбол билан шуғулланиш учун спорт майдончалари қуриш; | Йил давомида | | Амалга ошириш давомида аниқлаштирилади | Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар прогнозлари ортиқча бажарилишидан тушган маблағлари ва ҳомийлар маблағлари | |
| | шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва туман марказларида мавзелар (маҳаллалар) ичида ташқи ёритиш тармоғини янги энергия тежовчи технологиялар асосида ривожлантириш ва кенгайтириш; | 2013 — 2017 йилларда | | Амалга ошириш давомида аниқлаштирилади | Маҳаллий бюджет | |
| | маҳаллалар ичидаги йўллар четига ва маҳаллалардаги махсус ажратилган «яшил» майдонларга ҳар йили 15,0 млн та манзарали ва 29,5 млн та мевали дарахтлар, шунингдек 10,0 млн та буталар ва гуллар экиш. | 2013 — 2015 йилларда | | Амалга ошириш давомида аниқлаштирилади | Аҳоли, ҳомийлар ва бюджет маблағлари | |
| 64. | Маҳаллаларни ободонлаштириш (маҳаллалар ичидаги йўлларни таъмирлаш, санитария ҳолатини яхшилаш, аҳоли яшайдиган жойларга | Йил давомида | ИТҚҚЖ, Фонд Форум, «Маҳалла» жамғармаси | 350,0 шу жумладан: | Ижрочилар маблағлари, шу жумладан: | Ижрочиларнинг қўшма тадбирлари режаси.<br>Маҳаллаларни ободонлаштириш, қишлоқ жойларда аҳолининг турмуш |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | яқин ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, болалар майдончалари қуриш, узоқ туманлардаги маҳаллаларни тоза ичимлик сув билан таъминлаш) масалаларини ҳал этишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш йўли билан қишлоқ жойларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича «Обод уйим» лойиҳасини амалга ошириш, қишлоқ жойларда экологик ҳолатни яхшилаш ишларини амалга ошириш. | | | 50,0<br><br>300,0 | ИТҚҚЖ<br><br>«Маҳалла» жамғармаси маблағлари | сифатини ошириш масалаларини ҳал этишда фуқаролик жамиятининг иштирокини кенгайтириш. |
| 65. | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги клуб муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш орқали «Маданият, санъат ва аҳолининг дам олиш марказлари»ни ташкил этиш Давлат дастурини ишлаб чиқиш. | Ишлаб чиқиш — 2013 йил, ижро — 2013 — 2018 йиллар давомида | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги | 350 000 шундан: 2013 йилда — 17 000,0 | Бюджет маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.<br>Аҳолининг, айниқса болалар ва ёшларнинг тобора ошиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун зарур замонавий ижтимоий-маданий ва маънавий-маърифий муассасалар яратиш.<br>Аҳолининг бўш вақтини мазмунли ва самарали ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш, халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, маданият муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш. |
| 66. | Маҳаллалар ҳудудларида тозалик ва ободончиликни сақлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қуйидагиларни кўзда тутувчи қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашни ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш:<br>мавжуд қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш пунктларини модернизация қилиш ва янгиларини яратиш, | 2013 — 2015 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги | 11 920,0 | «Асакабанк» ОАЖ ва «Ўзавтосаноат- | Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашни ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича тадбирларни тасдиқлаш.<br>Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришни такомиллаштириш, қаттиқ ва маиший чиқиндилардан тозалаш корхоналарининг махсус техник паркини янгилаш. |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | уларни замонавий ва қулай ахлат контейнерлари билан таъминлаш, шунингдек Тошкент шаҳри учун 81 та мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ахлат ташиш машиналари харид қилиш;<br>маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва зарарсизлантиришда транспорт ва қайта ишлаш ташкилотларининг ўз харажатларини ўзи қоплашга қаратилган, халқаро амалиётда синаб кўрилган молиялаштириш усулларини жорий этиш;<br>Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бунда ОТБ грант маблағлари ва имтиёзли кредитларини жалб этишни ва кейинчалик бундай лойиҳаларни республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этишни кўзда тутиш;<br>ижтимоий нафақалар оладиган оилалар аъзоларини маош тўланадиган жамоатчилик ишларига, хусусан ўзлари яшаётган маҳаллаларни тозалаш ишларига фаол жалб этиш. | | | Дастлабки қиймати 200,7 млн АҚШ доллари | лизинг»нинг лизинг маблағлари<br><br>ОТБнинг кредит маблағлари | Шаҳарларда ва маҳаллалар ҳудудларида санитария-экологик ҳолатни яхшилаш. |
| 67. | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари доирасида:<br><br>мавжуд ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бериладиган биноларни (биноларнинг бир қисмини) реконструкция қилиш (таъмир- | Алоҳида режа бўйича | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, хайр-эҳсон қилувчилар | 16 440,0<br>2013 йилда<br>10 220,0<br>шундан:<br><br>4 000,0 | «Маҳалла» жамғармаси, тадбиркорлар ва ҳомийлар маблағлари<br>«Маҳалла» жамғармаси маблағлари | Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг 2013 — 2016 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари.<br>Аҳолининг хордиқ чиқариши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, оила- |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | лаш) — ўзини ўзи бошқариш органларидан 500 таси учун;<br>53 та янги маҳалла гузарлари ташкил қилиш ва уларга ёндош ҳудудларни ҳашар орқали йиғилган маблағ ҳисобидан ободонлаштириш;<br>маҳалла қўмиталарини бир комплектдан компьютер техникаси ва мебель билан таъминлаш.<br>Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида жамоат ташкилотлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фаровонлигини таъминлаш, тегишли ҳудуддаги ёшлар ва аёллар ўртасида қонунбузарликлар профилактикаси ва унинг олдини олишга қаратилган ишларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилишини таъминлайдиган 4 тадан «Маҳалла маркази» қуриш ва ишга туширишни ташкил этиш. | | | 3 000,0<br><br>3 220,0 | «Маҳалла» жамғармаси маблағлари<br>Тадбиркорлар маблағлари | ларни мустаҳкамлаш, ёшлар ва аёллар ўртасида қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш. |
| 68. | Маҳаллалар ҳудудида истиқомат қилаётган хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи (сартарошлар, тикувчилар, пойабзал, маиший ва ташкилий техникани таъмирловчилар ва бошқалар) якка тадбиркорларга қатъий белгиланган солиқ бўйича имтиёзлар берилганини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш дастурини амалга оширишни давом эттириш. | Йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси | 2013 йилда 3000,0 | Бюджет маблағлари | Хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш ва қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратишни рағбатлантириш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 69. | Оилаларни, айниқса ёлғиз кишиларни ва қарияларни, болалар ва ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш, хусусан: | | | | | Оилаларни, ёлғизларни, қарияларни, болаларни ва ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш.<br>Туман ва шаҳар ижро этувчи ҳокимият органлари қарори билан нафақа ва моддий ёрдам олувчилар рўйхатини тасдиқлаш.<br>Маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларга ер участкаларини ободонлаштиришда, турар жойлари ва биноларини, электр ва бошқа муҳандислик тармоқларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш ва бошқалар. |
| | кам таъминланган оилаларни уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва бола парвариши учун ижтимоий нафақалар тўлаш орқали қўллаб-қувватлаш; | Ҳар ойда | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари | 1 131 000,0 | Бюджет маблағлари | |
| | қаровга муҳтож 8 мингга яқин ёлғиз қарияларни ҳар ойлик текин озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб туриш; | Йил давомида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Меҳр нури» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» РЖБ | 2 900,0<br>300,0 | Бюджет маблағлари, ижрочилар ва хайр-эҳсон қилувчилар маблағлари | |
| | кам таъминланган 1500 оилага «Навруз» ва Мустақиллик байрамларида, 2000 нафар Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларига Хотира ва қадрлаш кунида совғалар улашиш, шунингдек театрларга, концертларга ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга қатнашишларини ташкил қилиш йўли билан қўшимча равишда ижтимоий қўллаб-қувватлаш; | Йил давомида | | 550,0 | Касаба уюшмалари маблағлари | |
| | маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларга уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, жумладан 2013-2014 йилги кузги-қишги мавсум арафасида уларнинг уйларида (квартираларида) тезкор таъмирлаш ишларини бажариш бўйича бепул хизмат кўрсатиш; | Йил давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси | 600,0<br>150,0 | Ҳомийлар маблағлари, жумладан: «Маҳалла» жамғармаси | |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳар бир минтақада кам таъминланган оилаларни (10 тадан) электр маиший техникаси бериш йўли билан рағбатлантириш. | | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 140,0 | Касаба уюшмалари маблағлари | |
| 70. | Қуйидагиларни ўз ичига олган «Маҳалладан бошланур Ватан» шиори остидаги туркум маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш:<br>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллалари оқсоқоллари иштирокида «Меҳрдан яшнар кўнгил» шиори остида тадбирлар;<br>«Бир болага етти қўшни ота-она» фототанлови;<br>ОАВда кенг ёритган ҳолда «Энг яхши маҳалла», «Энг намунали оила», «Намунали профилактика нозири ва маслаҳатчи» туркум кўрик-танловларини ўтказиш.<br>Инсонпарварлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик ғояларини тарғиб қиладиган «Жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз қолмаслиги керак» мавзусида илмий-методик брошюралар чоп этиш орқали оила ва маҳалла қадриятларини, ёшларни тарбиялашда уларнинг ролини тарғиб қилиш.<br>Ҳар бир вилоятда ўзларига тегишли ҳудудда намунали фаолият юритган 100 нафар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва 100 нафар диний маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчини қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш, жумладан улар учун Самарқанд ва | Йил давомида<br>2013 йил март<br>2013 йил апрель<br>2013 йил июнь<br>2013 йил сентябрь | «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Оила» ИАМ, Халқ таълими вазирлиги, ЭОАВМА<br>Бадиий академия, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, МТРК, Тошкент фотосуратлар уйи, ЭОАВМА<br>«Маҳалла» жамғармаси, ИИВ, Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, РБИММ,<br>МТРК, ЎзА, «Камолот» ЁИҲ, «Тасвирий ойина» уюшмаси, «Ватанпарвар» жамияти,<br>Республика байналминал маданият маркази, «Оила» ИАМ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ЭОАВМА | 100,0 | Ижрочилар маблағлари | Ижрочилар қарори.<br>Ёш авлодни катталарга ҳурмат, инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг алоқасини мустаҳкамлаш.<br>Уйғун оилавий муносабатларнинг илғор тажрибасини ёйиш, мустаҳкам ва аҳил оилаларнинг турмуш тарзини тарғиб қилиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Бухоро шаҳарларининг маданий-тарихий жойларига саёҳатлар уюштириш. | | | | | |
| 71. | Тошкент шаҳрида 350 ўринли «Мурувват» уйининг янги ётоқ мажмуини қуриш ва уни жиҳозлаш. | 2013 — 2015 йиллар | Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги | Лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ | Бюджет ва ҳомийлар маблағлари | Тошкент шаҳрида «Мурувват» уйининг моддий-техника базасини яхшилаш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш. |
| | **VII. Оилаларни янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги мақомини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда аёлларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорини намоён қилиши ва уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш** | | | | | |
| 72. | Кейинчалик ипотека кредитлари воситасида ёш оилаларга сотиш учун республика минтақаларида 105 та кўп квартирали уй-жойлар қуришга банклар томонидан кредит маблағлари беришни назарда тутувчи «Ёш оилаларга — уй-жойлар» дастурини амалга оширишни давом эттириш. | 2013 — 2015 йиллар давомида | Марказий банк, тижорат банклари, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 454 813,0 | Корхоналарнинг ўз маблағлари (192 484,0), тижорат банкларининг кредитлари (262 329,0) | «Ёш оилаларга — уй-жойлар» дастурини амалга ошириш.<br>Аҳолининг, айниқса ёш оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида кўп квартирали уй-жойлар қуриш бўйича ишларни амалга ошириш учун маблағлар ва ипотека кредитлари ажратиш. |
| 73. | Қуйидагиларга имтиёзли кредитлар бериш йўли билан аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш:<br>асосан аёллар меҳнатидан фойдаланувчи кичик корхоналарга, шунингдек аёллар раҳбарлик қилаётган корхоналарга;<br>оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида чорва моллари ва паррандалар ҳамда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ускуналар сотиб олиш учун; | Йил давомида | Хотин-қизлар қўмитаси, тижорат банклари, «Меҳр нури» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» РЖБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Марказий банк | 540 000,0<br><br>250 минг евро | Тижорат банклари кредити<br><br>«Микрокредитбанк», Халқ банки, Омонат кассалари фонди (Германия) | Тижорат банклари ва ҳудудлар бўйича тадбиркор аёлларга кредитлар ажратиш прогноз параметрларини ва комплекс чора-тадбирларни тасдиқлаш.<br>Тижорат банклари билан биргаликда кредитлар олиш тартиби ва шартлари, улардан самарали фойдаланиш механизмлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш.<br>Аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларнинг фаол фуқаролик позициясини кучайтириш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjan 2013 yil 25 fevral holatiga





| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | тадбиркор аёлларга — Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармаси (Германия) томонидан берилган кичик тадбиркорликни микрокредитлашнинг тикланадиган кредит жамғармаси маблағлари ҳисобига бошланғич капитални тўлдириш учун;<br>аҳолини, шу жумладан аёллар ва ёшларни кундалик спорт-соғломлаштириш машғулотларига жалб этиш учун маҳаллаларда спорт-соғломлаштириш заллари ташкил этишга;<br>аёл фермерларга, қизларга, шу жумладан айниқса касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларини битирган қишлоқ жойлардаги қизларга. | | | | | |
| 74. | «Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш» лойиҳасини қуйидаги йўллар билан амалга ошириш:<br>6 минг фермер ва тадбиркор аёлларнинг бизнес малакалари ва молиявий саводхонлигини ошириш бўйича бир қатор тренинглар ташкил қилиш;<br>5 минг тадбиркор ва фермер аёлларга имтиёзли микрокредитлар бериш. | Йил давомида | ИТҚҚЖ, Марказий банк, «Микрокредитбанк», Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 20 060,0<br>жумладан:<br>20 000,0<br>60,0 | «Микрокредитбанк»<br>ИТҚҚЖ | Бажарувчиларнинг қўшма қарори.<br>Аёлларни, аёллар тадбиркорлигини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашни таъминлаш, оилалар даромадларини ошириш. |
| 75. | Қишлоқларда яшовчи аҳолининг узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳаллий уй-рўзғор буюмларини сотиб олиши учун ажратиладиган истеъмол кредитлари миқдорини 1,3 баробарга ошириш. | Йил давомида | Марказий банк, тижорат банклари | 40 000,0 | Тижорат банклари кредитлари | Маҳаллий истеъмол товарларига ички талабни ошириш.<br>Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқ аёлларининг уй-рўзғор меҳнатини енгиллаштириш. |
| 76. | Аҳолига ипотека кредитлари ажратиш, шунингдек Германия ривожла- | Йил давомида | Ипотека банки, «Ипак йўли» банки, | 14,48 млн АҚШ доллари | Германия ривожлантириш | Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва аҳолининг уй-жой |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ниш банки (КфВ) кредит линияси маблағлари ҳисобига кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш. | | «Ҳамкорбанк», Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | | банки (КфВ) кредитлари | шароитларини яхшилаш учун кредит билан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш. |
| 77. | Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл, Қашқадарё вилоятининг Қарши, Фарғона вилоятининг Тошлоқ, Жиззах вилоятининг Фориш, Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Тошкент вилоятининг Юқори-Чирчиқ туманларида 400 нафар аёл учун таълим дастурларини амалга ошириш.<br>«Оилавий келажагингни режалаштир» мавзусида оилавий бюджетни шакллантириш, тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилиш масалаларида ёш оилаларнинг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича тренинглар ташкил этиш.<br>10 минг оилада молиявий саводхонликни ошириш, 2000 минг оилада оилавий бизнесни йўлга қўйишга оид тренинглар ташкил этиш, фарзандли 500 нафар ишсиз аёлга 12 турдаги касб-ҳунар ўргатиш. | 2013 йил I-II чорак<br><br>Йил давомида | Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Микрокредитбанк» ОАТБ<br>«Аёллар кенгаши» РЖБ, Марказий банк, МФК, НАМОКС, «Микромолиялаштириш ва бизнес таълим маркази» НОУ | 40 минг АҚШ доллари<br>300,0<br><br>100,0 | Ижрочилар ва ҳомийлар, «Микрокредитбанк» ОАТБ маблағлари<br><br>Ижрочилар маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грант маблағлари | Аёлларнинг иқтисодий билимларини, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш.<br>Бизнес-режаларини шакллантириш ва кредитларни жалб этиш кўникмаларини такомиллаштириш.<br>Оила бюджетини юритиш бўйича қўлланмани нашр этиш, оила (тўйлар, оилавий тадбирлар ва шу кабилар) маблағларини тежаш услубларини очиб берадиган видеоролик яратиш ва унинг тақдимотини ўтказиш.<br>Оилаларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, оилавий бизнесни ривожлантириш, аёллар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш. |
| 78. | Иқтидорли ва фаол хотин-қизларни рағбатлантириш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш:<br>«Йил аёли» миллий танловини ўтказиш;<br>Зулфия номидаги мукофот совриндорларининг республика анжуманини ўтказиш, совриндорларнинг шеърлар тўпламларини чоп этиш ва уларнинг мамлакат ёшлари ўртасида тақдимотини ўтказиш; | Йил давомида | Хотин-қизлар қўмитаси, «Аёллар кенгаши» РЖБ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Бадиий академия, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» | 100,0 | Ҳомийлар, «Асакабанк», «Микрокредитбанк», «Қишлоққурилишбанк», «Самарқандбанк», микрокредит ташкилотлари, «Ижод» жамғармаси, | Ижрочилар тадбирларини амалга ошириш.<br>Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириш, иқтидорли ва истеъдодли қизларни рағбатлантириш.<br>Ёш аёлларнинг илмий салоҳиятини оширишга кўмаклашиш, олима аёллар тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш, улар фаолиятини тарғиб қилиш ишларини ташкил этиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | иқтидорли ёш олима аёллар, тадқиқотчи стажёрлар ўртасида «Илм юлдузлари» танловини ўтказиш. | | ЁИҲ, ОАЭВМА, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | Ёзувчилар уюшмаси маблағлари | |
| 79. | Ўқувчи қизлар ўртасида «Ораста қизлар» ижтимоий фаолликнинг қуйидаги шаклларини ташкил этиш:<br>республика ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида «Ораста қизлар» тўгараклари ишларини ташкил қилиш, болалар, ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тиббий саводхонлик, маданият ва соғлом турмуш тарзини юритиш кўникмаларига ўргатиш бўйича самарали тушунтириш ишларини ташкил қилиш;<br>таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида экологик тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини жорий этиш мақсадида Тошкент шаҳридаги 11 та тажриба туманларида «Ораста қизлар» ахборот-маслаҳат гуруҳларини ташкил этиш;<br>вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг таълим муассасалари ғолиблари ўртасида «Ораста қизлар» республика фестивалини ўтказиш. | 2013 йил II чорак<br><br>2013 йил апрель | Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ | 60 минг АҚШ доллари<br><br>30,0 | БМТнинг нуфус жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маблағлари | Ижрочиларнинг тўгараклар ишларини ташкил этиш, ахборот-маслаҳат гуруҳларини тузиш ва «Ораста қизлар» республика фестивалини ўтказиш тадбирларини тасдиқлаш бўйича қўшма қарори.<br>Қизларнинг экологик ва тиббий саводхонлигини, маданиятини шакллантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш. |
| 80. | Кам таъминланган оилаларда вояга етаётган 189 минг нафар қизларга уларни спорт турлари ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга кенг жалб қилиш мақсадида спорт кийимлари ва анжомлари тақдим этиш. | 2013 йил март | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республика | 2 930,0 | Бюджет, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Кам таъминланган оилалар қизларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб этиш ва уларга спорт тадбирларида қатнашишда кўмаклашиш. |



WWW.LEX.UZ

Hujjan 2013 yil 25 fevral holatiga





| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | |
| 81. | Ҳар бир минтақада 50 тадан кам бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга никоҳ тўйларини ташкил этиш ва турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида ҳомийлик кўмаклари кўрсатиш. | Йил давомида | «Маҳалла», «Меҳр нури» жамғармалари, Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Камолот» ЁИҲ | 1 000,0<br>400,0 | Ижрочилар ва ҳомийлар, шу жумладан «Маҳалла» жамғармаси маблағлари | Қўшма тадбирлар режаси.<br>Эҳтиёжманд ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш. |
| **VIII. «Обод турмуш йили» Дастурининг мақсад ва вазифалари тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш** | | | | | | |
| 82. | Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ўз ичига олган «Обод турмуш йили» брошюрасини тайёрлаш ва нашр этиш. | 2013 йил I чорак | ЎзМАА, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи | Бюджетдан ажратилган маблағлари доирасида | Бюджет маблағлари | Ижрочиларнинг қўшма қарори. Аҳоли ўртасида «Обод турмуш йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятини очиб берувчи тушунтириш ишларини ташкил этиш.<br>. |
| 83. | Қуйидагилар орқали аҳолининг барча қатламлари ўртасида «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари тўғрисида кенг миқёсли тушунтириш ишларини ташкил этиш:<br>оммавий ахборот воситаларида «2013 йил — Обод турмуш йили», «Ободлик кўнгилдан бошланади», «Ободлик бор жойда барака бор», «Юртинг обод — дилинг обод», «Обод маҳалла», «Обод шаҳар», | Йил давомида | МТРК, ЎзА, ТИВ, Журналистлар ижодий уюшмаси, ЎзМАА, «Жаҳон» АА, «Uzbekistan today» АА, ЭОАВМА, ЎзНТТ, «Ўзбеккино» МА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини | 3 409,0<br>шу жумладан: | | Ижрочиларнинг қўшма қарорлари билан тадбирлар комплексини тасдиқлаш.<br>Аҳоли ўртасида «Обод турмуш йили» Давлат дастури моҳиятини очиб берувчи тушунтириш ишларини ташкил этиш.<br>Хорижий мутахассисларнинг Давлат дастури доирасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги ютуқлари ҳақида хабардорлигини ошириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | «Обод ҳудудлар» махсус рукнларни ташкил этиш;<br>«Обод турмуш йили» мавзуида фотогалерея, «Ўзбекистон — бахтли одамлар мамлакати», «Обод юрт — бахтли келажак» мавзуида фотокўргазмалар ташкил этиш;<br>«Ободлик кўнгилдан бошланади», «Оила — маҳалла — таълим даргоҳи» мавзуида олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъат арбоблари иштирокида илмий-амалий семинарлар ва суҳбатлар ўтказиш; | | қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЎМКҲТ маркази, «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура ИАМ, «Камолот» ЁИҲ, ААТТ давлат қўмитаси, РРТМ, «Ўзтелеком», Бадиий академия, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, «Матбуот тарқатувчи» АК, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ёзувчилар уюшмаси, «Тасвирий ойина» уюшмаси | | | Мамлакатда хотин-қизларнинг манфаатларини таъминлаш, жамиятдаги мақомини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, халқ фаровонлигини ўстириш йўлида амалга оширилаётган давлат сиёсати мазмун-моҳияти ва натижаларини ҳар томонлама очиб берувчи фотоматериллар ишлаб чиқиш.<br>Оила аъзолари, айниқса ёш авлод дунёқарашини кенгайтириш ва интеллектуал савиясини ошириш, маънавият, ахлоқ, миллий қадриятлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, санъат ва спорт оламига қизиқишни орттириш. |
| | мамлакатда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотларга бағишланган «Гўзал ва бетакрор Ўзбекистон» рукни остида иккита 26 дақиқали ҳужжатли видеофильм ва иккита 13 дақиқали ҳужжатли видеофильм тайёрлаш; | | | 80,0 | «Ўзбеккино» МА маблағлари | |
| | халқ эртаклари, афсоналар, масал ва достонлар асосида меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва адолатни тарғиб этувчи «Олтин олма», «Доно қиз», «Меҳнатнинг таги роҳат» ва «Асл Хазина» мультипликацион фильмларини яратиш; | | | 504,0 | «Ўзбеккино» МА маблағлари | |
| | «Ободлик кўнгилдан бошланади», «Огоҳлик, хушёрлик — давр талаби» китобларини нашр этиш; | | | 2 225,0 | Ижрочилар маблағлари | |
| | замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош алоқа каналларидан самарали фойдаланган ҳолда хорижда «Обод турмуш йили» Давлат дастури мазмун-моҳияти ҳақида ахборот-тушунтириш ишларини тизимли ташкил этиш; | | | 600,0 | Ижрочилар маблағлари | |

WWW.LEX.UZ

Hujjan 2013 yil 25 fevral holatiga





| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | «Оила даврасида», «Uzbekistan today» газеталари таҳририятлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. | | | | | |
| 84. | Қуйидагиларни:<br>«Обод турмуш — эзгу интилишларимиз самараси»;<br>«Давлат рамзлари — Она Ватан тимсоллари» мавзуида плакатлар комплексини яратиш | <br>2013 йил I чорак<br>2013 йил II чорак | Миллий ғоя ва мафкура ИАМ, «Маънавият» нашриёти, «Тасвирий ойина» уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЎМКҲТ маркази, «Ўзбектуризм» МК | <br>500,0<br><br>500,0 | <br>Ижрочилар маблағлари | Ижрочиларнинг қарорлари.<br>Соғлом ва маданиятли турмуш тарзини тарғиб этувчи плакатлар тўпламларини тайёрлаш ва нашр этиш, халқнинг кўп асрли қадриятлари ва анъаналари, мамлакат ҳаётида, фуқаролик жамияти ривожида Давлат рамзлари роли ва аҳамиятини тарғиб қилиш. |
| 85. | Мамлакатнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшларни журналистика соҳасига жалб этиш, ёш телерадиожурналистлар касбий кўникмаларини ошириш, уларнинг самарали ижод қилишлари учун имкониятлар яратиш ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини кенг ёритиш мақсадида қуйидагиларни ташкил этиш:<br>ёзги ўқув «Медиа оромгоҳ — 2013»;<br>«Ёшлар парвози» ёшлар медиафестивали;<br>«Бунёдкор» ёшлар телемажмуасида мамлакатнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган ёш журналистлар интерактив тарзда мулоқот қилиши, шу жумладан он-лайн режимида масофадан туриб семинарлар ўтказиш бўйича тажриба алмашиши ҳамда ёш- | <br>2013 йил июль-август<br>2013 йил сентябрь<br>2013 йил январь — май | ЭОАВМА, Нодавлат ОАВларни қўллаб-қувватлаш жамоат, жамғармаси, ААТТ давлат қўмитаси, Фонд Форум, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, «Ўзтелеком» компанияси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши,»Камолот» ЁИҲ, нодавлат телерадиостанциялар, «Келажак овози» ЁТМ, МТРК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ЎзНТТ, ҳудудий телерадиостанциялар, «Бизнес Репорт» АА | 2 623,7 шу жумладан:<br>350,0<br>62,6<br>300,0 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамғармаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон АА, ННТни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси, ЭОАВМА, ЎзНТТ | Ижрочилар қарорлари.<br>Ёшларни журналистика соҳасига жалб этиш, ёш телерадиожурналистларнинг касбий кўникмаларини юксалтириш.<br>Мамлакат ҳудудий телерадиостудияларида фаолият юритаётган ёш журналистлар учун тизимли семинарлар ўтказиш, улар билан мунтазам интерактив алоқа ўрнатиш, ёшлар телерадиостудиялари вакилларини замонавий Интернет-технологиялардан баҳраманд этиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | лар телестудиялари вакиллари мамлакатимиз ва хорижнинг етук мутахассислари иштирокида энг сўнгги медиа ва интертехнологиялардан баҳраманд бўлиши учун доимий ишлайдиган медиа майдонча; | | | | ва ҳудудий телестанциялар, «Ўзтелеком» компанияси, ҳокимликлар ва ҳомийлар | |
| | «Озод юрт тўлқинлари» медиафестивали; | 2013 йил июнь | | 132,6 | | |
| | нодавлат телерадиостанциялар томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ёритиш бўйича материаллар тайёрлаш ва уларни эфирга узатиш, шу жумладан: 9000 та ахборот лавҳалари, 15000 та радиоахборот лавҳалари, 2500 та муаллифлик лойиҳалари ва ижтимоий телерадиороликлар; | | | 1 555,0 | | |
| | ижтимоий телерадиороликлар VI миллий фестивали; | 2013 йил декабрь | | 112,7 | | |
| | «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови; | | | | | |
| | Мустақиллик даврида республика нодавлат телекўрсатув ва радио эшиттиришлар мисолида ахборот соҳаси ва сўз эркинлиги ривожланишига, шунингдек ЭОАВМА ташкил этилганининг 10-йиллигига бағишланган халқаро конференция. | | | 110,8 | | |
| 86. | «Форум ТВ», «ЎзНТТ» телеканаллари ва нодавлат телестанцияларда репортажлар, ахборот лавҳалари, ижтимоий роликлар тайёрлаш ва ННТ томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ўтказилаётган тадбирларни трансляция қилиш. | Йил давомида | ЭОАВМА, ААТТ давлат қўмитаси, ЎзНТТ, «Форум ТВ», «НРТ», ҳудудий телестанциялар, «Ўзтелеком» компанияси, «Uzbekistan today» АА, РРТМ | 312,7 шу жумладан:<br>200,0 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш | Ижрочиларнинг қарорлари.<br>Аҳолининг «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши, ижтимоий ва маиший масалаларни ҳал этишда ННТ фаолияти тўғрисидаги хабардорлигини ошириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбир номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Сарф-харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Аҳоли турмуш даражаси юксалиши, ижтимоий ва маиший, коммунал таъминот масалалари ҳал этилиши ва «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини ёритишга қаратилган ижтимоий телерадиороликлар VI миллий фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш. | 2013 йил ноябрь | | 112,7 | жамоат жамғармаси, ЭОАВМА, ЎзНТТ ва ҳудудий телестанциялар, РРТМ, «Ўзтелеком» компанияси, ҳомийлар маблағлари | |

Изоҳ:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тури тегишли ҳуқуқий муносабатлар соҳаси ва тартибга солиш предметига қараб қайта кўриб чиқилиши ёки ягона ҳужжат сифатида бирлаштирилиши мумкин.

**2013 йилда Дастур тадбирларини амалга ошириш учун жами харажатлар: 6 655,0 млрд сўм ва эквивалентда 919,2 млн АҚШ доллари.**
улардан:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | **сўмларда** | | **АҚШ доллари эквивалентида** |
| **Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари** | — | **3 312,4 млрд сўм** | — | **18,0 млн доллар** |
| **Ижрочилар ва ҳомийлар маблағлари** | — | **1 917,9 млрд сўм** | — | **66,6 млн доллар** |
| **Тижорат банкларининг кредитлари** | — | **1 424,7 млрд сўм** | — | **170,0 млн доллар** |
| **Халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар маблағлари ва грантлар** | — | — | — | **664,6 млн доллар** |

WWW.LEX.UZ